



ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ДАСТУР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

25 май куни Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузурида мактаб таълимидаги
ислохотларнинг бориши муҳокама қилинди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 11 майдаги фармони билан 2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастур тасдиқланди. Унда илғор хорижий тажриба асосида таълим сифатини ошириш, ўқитувчилар касбининг нуфузини юксалтириш, инклюзив таълимини ривожлантириш, ўқувчиларни касбга йўналтириш, инфратузилмани яхшилаш, соҳани рақамлаштириш бўйича долзарб йўналишлар белгиланган. Бу йўналишларнинг ҳар бири ўнлаб аниқ вазифалардан иборат. Улар ҳар бир туман ва шаҳар кесимида ишлаб чиқилган "йўл хариталари" асосида амалга оширилмоқда.

Йиғилишда халқ таълими вазири шу борадаги ишлар ва келгуси ўқув йилига мўлжалланган режалар тўғрисида ҳисобот берди.

Аввало, янги миллий дастурни таълим жараёнига жорий этиш масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, бу йил 3-, 6-, 7- ва 10-синфлар учун, 2023-2024 йилларда 4-, 5-, 8-, 9- ва 11-синфлар учун дарсликлар, машқ дафтарлари ҳамда ўқув қўлланмалари яратилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун хорижий экспертлар ва тадқиқотчилардан иборат ишчи гуруҳини шакллантириб, дарсликларни сифатли тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Миллий дастурда ўқитувчиларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу юксак билим ва маҳоратли, замонавий кадрлар тайёрлашни тақозо этади. Шу мақсадда Низомиё номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда унинг ҳузуридаги таълим ва илмий ташкилотлар Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

Йиғилишда педагогик таълимни трансформация қилиш, университетга қабулни такомиллаштириш, илмий салоҳиятни ошириш ва ўқишни амалиёт билан боғлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш ва уларни янги методикага ўргатиш ҳақида сўз борар экан, Абдулла Авлоний номидаги миллий тадқиқот институти фаолиятини кенгайтириб, уни ҳудудлардаги педагогика ўқув юртлари билан узвий боғлаш зарурлиги таъкидланди. Келгуси ўқув йилидан бошлаб кимё, биология, физика ва математика ўқитувчилари учун касбий сертификатлаш тизими йўлга қўйилиши белгиланди.

Президентимиз мактаб директорларини тўғри танлаш, уларнинг касбий ва бошқарув маҳоратини ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталди. Таълим билан бирга тарбия ҳам муҳимлигини таъкидлади.

— Маънавият мактабдан бошланади. Мактабларда таълим сифатига қандай эътибор берсак, маънавиятга ҳам шундай эътибор беришимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу мақсадда ўқувчиларнинг дунёқараши ва иқтидорини оширадиган, турли ёшдаги синфлар учун мўлжалланган маънавият китоблари яратиш бўйича тавсия берилди.

Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. "Баркамол авлод" мактаблари фаолияти ва инфратузилмасини яхшилаш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш, уларда "STEAM" йўналишлари бўйича тўғараклар ташкил этиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

тимсолида халқимиз
мамлакатимизнинг олтин фондани,
бебаҳо хазинасини кўради

25 май куни юртимиздаги барча мактабларда 2021/2022 ўқув йили якунланишидан дарак бериб "Сўнгги қўнғирок" садолари янгради. Одатда ушбу сана мактабни битираётган ўқувчилар ҳаётида унутилмас ва ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлади. Сабаби, айнан шу куни улар жонажон мактаби, кадрдон ўқитувчи ва мураббийлари, синфдошлари билан хайрлашиб, мустақил ҳаётга йўл олади. Таълимнинг кейинги босқичини олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида давом эттиради.



Давоми 6-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ МАНЗИЛЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини, жумладан, кам таъминланган болали оилаларни аниқ йўналтирилган тарзда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий фаровонлик даражасини ошириш, кекса авлод вакиллари манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, соҳават тадбирларини изчил давом эттириш мақсадида:

1. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг қуйдаги қатламларига **бир марталик моддий ёрдам курсатилсин:**

а) **ёшга доир, ногиронлик** пенсияси ва нафақасини олувчиларга, **болаликдан ногиронлик** нафақасини ҳамда **боқувчисини йўқотганлик** пенсиясини ва нафақасини олувчи ҳар бир оила аъзосига ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож **ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариш** нафақасини олувчиларга:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — **300 минг** сўмдан; Тошкент шаҳрида — **400 минг** сўмдан.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан бошқа органлар орқали пенсия олувчиларга тегишли вазирлик ва идоралар

томонидан мазкур банднинг "а" кичик бандида назарда тутилган шартларда ва миқдорларда бир марталик моддий ёрдам курсатилди;

б) "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган сифатида **моддий ёрдам олувчи оилаларга ҳамда кам таъминланган сифатида болалар нафақасини олувчи оилаларнинг ҳар бир 18 ёшга тўлмаган боласига — 200 минг** сўмдан.

Бир нечта тоифа бўйича бир марталик моддий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга бир марталик моддий ёрдам ҳар бир тоифа бўйича тўлаб берилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Марказий банк ва тижорат банклари мазкур қарорда белгиланган бир марталик моддий ёрдам тўловларининг **икки ҳафта мuddатда тўлиқ тўланишини таъминласин.**

3. Молия вазирлиги **бир ҳафта мuddатда** мазкур қарор билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш учун зарур бўлган маблағларни Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Пенсия жамғармасига ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга ажратилишини таъминласин.



Давоми 2-бетда

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ҲАЁТИМИЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАРДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Инсон орзу, умид билан барҳаёт. Энг эзгу орзу эса бахтли, тўқис ва фаровон яшаш истагидир. Аммо бундай эзгу мақсадга фақат интилиш, куч-ғайрат, салоҳият билангина эришиш мушкул. Яна бошқа омиллар ҳам бор, албатта. Шу ҳақда гап борганида, кишиларнинг қобилият ва имкониятлари тўла намоён бўлиши учун уларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабати, ўзгаришларга рағбат этувчи муҳитнинг ҳам аҳамияти катта эканини айтиш ўринли бўлади. Бунга жамиятимизда бўлаётган сўнгги йиллардаги янгиланишлар ҳам кўрсатиб турибди.

Шу ўринда, аввало, Президентимиз бошчилигида халқимизни узоқ йиллар ўйлантириб келган ҳаётий долзарб муаммоларга ечим топиш мақсадида амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажриба, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида тўхталиш жоиз. Дастурий аҳамиятга эга мазкур ҳужжатда ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароит яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини

либераллаштириш бўйича устувор йўналишлар белгиланган эди.

Ҳаракатлар стратегиясини беш босқичда, мамлакатимизда йилларга берилган номлардан келиб чиққан давлат дастурлари асосида амалга ошириш самарасида катта муваффақиятларга эришилди.

Томчида қуёш акс этганидек, бунга Бухоро вилояти мисолида ҳам қуриш мумкин. Тадбиркорлик учун қулай бизнес муҳити яратиш, имтиёзлар орқали қўллаб-қувватлаш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашилар олдини олишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши ишбилармонлик раванқига муҳим омил бўлди. Ўзбекистон хомашё етиштирадиган ўлкадан саноати ривожланган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЭТНОСПОРТ ТУРЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини (этноспорт) тарғиб қилиш ва оммалаштириш, болалар ва ўсмирларни уларга кенг жалб қилиш, халқаро алоқаларни кучайтириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 июндаги ПҚ–5149-сон қарорига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

Этноспорт турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ;
Этноспорт турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривожлантириш дастури 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Этноспорт турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривожлантириш дастури эришилган натижага ва мақсадли кўрсаткичлар бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ҳар йили тегишли йил учун тасдиқланадиган "йўл харитаси" асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги "Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–201-сон қарори билан 2023 йил 1 мартдан бошлаб **миллий спорт турлари бўйича уч босқичли** умум-республика спорт мусобақаларини **ўтказиш тизими** жорий қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқ саломатлиги миллий кенгаши (А.Н.Арипов):

бир ой мuddатда оммавий спорт мусобақалари ташкил қилинадиган **этноспорт турлари рўйхатини тасдиқласин;**

2023 йилги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида **этноспорт турлари бўйича мусобақаларни** ўтказиш учун зарур маблағлар кўпайтирилиши ҳамда ажратилишини таъминласин;

2023 йилги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасига мувофиқ, **этноспорт турлари бўйича мусобақалар** ўтказилишини таъминласин;

зарур ҳолларда, алоҳида этноспорт турини ривожлантириш мақсадида **спорт федерация (ассоциация)ларини** ташкил қилиш чораларини кўрсин;

болалар ва ўсмирлар ҳамда ёшларни этноспорт турларига жалб қилиш, шу жумладан, Этноспорт турларини 2025 йилгача оммалаштириш ва ривожлантириш дастури ва уни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси"да белгиланган вазифаларнинг **тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши юзасидан маъсул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирсин.**

Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Аспонов) ҳамда Ўзбекистон этноспорт ассоциацияси (О.Норинбаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2023 йилдан бошлаб этноспорт турлари бўйича мусобақаларни ҳар йили анъанавий тарзда **1 мартдан ўтказсин.**



Давоми 2-бетда



мамлакатга айланди. Кўп йиллар вилоятни бошқарган раҳбар ва бошқа соҳаларда ишлаган мутахассис сифатида

бу жараёни бевосита кузатиб келмоқдаман. Шу боис, ҳолатни таққослашда ўз хулосаларим бор.



Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ



СПОРТ — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК, БАХТЛИ ҲАЁТ ОМИЛИ ВА МИЛЛИЙ СИЁСАТ ЙЎЛИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

Янги Ўзбекистон кенг имкониятлар мамлакатига айланди. Бундай дейишимизга барча жаҳада мустаҳкам асослар бор. Биргина спорт соҳасини олайлик. Кейинги йилларда мамлакатда спорт инфратузилмасини изчил ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг спорт билан шугулланиши учун зарур шароитлар яратиш, спортчилар ва уларнинг мураббийларини рағбатлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.



Давоми 2-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИНИ МАНЗИЛЛИ Қўллаб-қувватлашга Оид қўшимча ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

4. Ушбу қарорга мувофиқ кўрсатилаётган бир марталиқ моддий ёрдамнинг мақсадли ва манзилли етказилишини таъминлаш юзасидан қуйидагилар масъул этиб белгилансин:

Пенсия жамғармаси — бир марталиқ моддий ёрдам учун шакллантирилган тўлов қайднонамалари бир кунда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва бошқа тижорат банкларига етказилишини таъминлаш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки, бошқа пенсия ва нафақа тарқатувчи тижорат банклари, Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан пенсия тайинловчи вазирлик ва идоралар — тегишлилиги бўйича бир марталиқ моддий ёрдам пуллари эгаларига ўз вақтида манзилли етказилишини ташкил этиш бўйича;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари — бир марталиқ моддий ёрдамнинг ўз вақтида манзилли тарқатилишини таъминлаш ҳамда назорат қилиш юзасидан зарур чора-тадбирларни ташкил этиш бўйича;

Молия вазирлиги — зарур маблағларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда пенсия тайинловчи тегишли вазирлик ва идораларга тўлиқ ва ўз вақтида ажратилиши бўйича.

Белгилансинки, уйда вақтинча бўлмаганлиги ёки бошқа сабабларга кўра бир марталиқ моддий ёрдам пуллари ўз вақтида ололмаган фуқаролар тўланмаган моддий ёрдам пуллари 2022 йил 1 сентябрга қадар олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 25 май

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Этноспорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

Белгилансинки, этноспорт турлари бўйича мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар 2023 йилги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

3. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Аслонов) ҳамда Ўзбекистон этноспорт ассоциацияси (О.Норинбаев) қуйидаги асосий йўналишларни босқичма-босқич амалиётга татбиқ қилиш бўйича зарур чоралар кўрсин:

аҳолининг барча қатламларини этноспорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, этноспортни оммалаштириш ва аҳоли ўртасида тарғиб қилиш; маҳаллаларда этноспорт турлари бўйича халқ ўйинлари ва мусобақаларни ўтказиш;

Бутунжаҳон этноспорт конфедерацияси билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, бу борада халқаро алоқаларни ривожлантириш.

4. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йилдан бошлаб аънанавий тарзда:

Тошкент шаҳрида ҳар йили бир маротаба этноспорт турлари бўйича "Uzbekistan Ethno Games" республика фестивали;

Хива шаҳрида ҳар икки йилда бир маротаба Халқаро этноспорт фестивали ташкил қилинади. Бунда, "Ичан қалъа" мажмуасида фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказилади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Аслонов), Ўзбекистон этноспорт ассоциацияси (О.Норинбаев) Тошкент шаҳар (Ж.Артикходжаев) ва Хоразм вилояти (Ф.Эрманов) ҳокимликлари билан биргаликда қўриқдаги фестивалларни юқори савияда ташкил қилиш, мусобақаларга ёшларни кенг жалб қилиш чораларини кўрсин, зарур ҳолларда, тегишли тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги (А.Абдухакимов) юқоридаги фестивалларни туристик маршрутлар объекти рўйхатида киритсин, уларга хорижий ва маҳаллий туристларни жалб қилсин ҳамда туристларга миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг тарихи ва аҳамияти ҳақида маълумотларни етказиш чораларини кўрсин.

5. Мактабгача таълим вазирлиги (Б.Онорбоев), Халқ таълими вазирлиги (У.Шарифходжаев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (К.Каримов) Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Аслонов) ҳамда Ўзбекистон этноспорт ассоциацияси (О.Норинбаев) билан биргаликда:

миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг моҳияти ҳақида тарғибот материаллари (қўлланма, буклет, баннер, флаер ва бошқалар)ни тайёрласин

ҳамда барча таълим муассасаларида уларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ўрни ҳақида жисмоний тарбия дарслари ҳамда маънавият соатларида тушунчалар берилишини ташкил этсин;

ижтимоий тармоқларда ёшларни этноспорт турларига кенг жалб этиш, улар ўртасида мусобақаларни оммалаштиришга қаратилган мотивацион роликлар тарқатсин;

таълим муассасаларида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича мусобақаларнинг мунтазам равишда ўтказилишини ташкил этсин, голиб ва совриндор бўлган жамоаларни ўз маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш чораларини кўрсин;

таълим муассасаларида малакали устозлар, тренерлар, полвонлар ҳамда мутахассислар иштирокида семинар, тренинг, маҳорат сабоқлари ташкил этилишини таъминласин.

6. Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлигининг:

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Республика эстрада цирк коллежида полвонлик ва дорбозлик санъати йўналишида ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш;

2023 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир маротаба полвонлар ва дорбозлар иштирокида "Полвонлар сулоласи" кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги тақлифларни маъқуллансин.

Маданият вазирлиги (О.Назарбеков) уч ой муддатда:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда дорбозлик ва полвонлик йўналиши бўйича ўқув режа ҳамда ўқув дастурларини тасдиқласин;

Спортни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда "Полвонлар сулоласи" кўрик-танлови тўғрисидаги низомни тасдиқласин. Бунда, кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар 2023 йилги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

7. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов) 2023-2025 йиллар учун давлат илмий-техникавий дастурлари лойиҳаларини шакллантиришда миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича илмий-тадқиқот лойиҳалари учун танлов эълон қилинишини таъминласин.

8. Спортни ривожлантириш вазирлиги Маданият вазирлиги, Таъқиқ ишлар вазирлиги, Ўзбекистон этноспорт ассоциацияси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия билан биргаликда 2023 йил якунига қадар малакали мутахассис ва халқаро экспертларни жалб этган ҳолда:

ЮНЕСКО ташкилотидан номоддий маданий мерос мақоми олинисини мум-

кин бўлган этноспорт турлари рўйхатини шакллантирсин;

этноспорт турларининг ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига тасвир этилишини таъминласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

бир ой муддатда ҳар бир туман (шаҳар)нинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, аҳолининг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, жорий йил учун миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини оммалаштириш ва ривожлантириш, спорт мусобақаларини ташкил қилиш бўйича ҳудудий дастурларни қабул қилсин, шунингдек, келгусида шундай дастурларни ҳар йили 1 февралга қадар тасдиқласин ва ижросини таъминласин;

2023 йилги ва келгуси йиллардаги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг ҳудудий календарь режаларига туман (шаҳар)ларда этноспорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

2023 йилдан бошлаб Наврўз умумхалқ байрамни нишонлаш билан боғлиқ тадбирлар доирасида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича мусобақалар ташкил этсин;

"устоз-шогирд" аънанаси асосида давом этиб келаётган полвонлик ва дорбозлик санъатини янада кенгроқ оммалаштириш мақсадида полвонлик ва дорбозлик санъати тўғрисидаги тақлифларни тасдиқласин;

2023 йил 1 январга қадар ҳар бир ҳудудда от спорти турларига тегишли бўлган анжонларнинг савдосини йўлга қўйиш мақсадида дўконлар фаолиятини ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари энциклопедиясини ўзбек, рус ва инглиз тилларида тўплам ҳолида нашрга тайёрлаш ишлари якунланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Аслонов), Ўзбекистон этноспорт ассоциацияси (О.Норинбаев), Ўзбекистон Полвонлар миллий маркази (Н.Осупов) икки ой муддатда:

энциклопедиянинг чоп этилиши ҳамда Бутунжаҳон этноспорт конфедерацияси, ЮНЕСКО, вазирлик, идора, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, спорт федерация (ассоциация)лари ва бошқа ташкилотларга тақсимот бўйича етказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 25 май

Ш. МИРЗИЁЕВ

МУНОСАБАТ

СПОРТ — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК, БАХТЛИ ҲАЁТ ОМИЛИ ВА МИЛЛИЙ СИЁСАТ ЙўЛИ БўЛИ ҚОЛАДИ



Бошланиши 1-бетда

Албатта, спортни оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни тайёрлаш бўйича ҳали олдимизда катта ишлар турибди, камчиликлар бор, уларни бартараф этиш эса бизнинг вазифамиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугун юртдошларимизни, айниқса, ёшларимизни оммавий спортга жалб қилишнинг янги босқичида турибмиз. Гап шундаки, Президентимиз жорий йил 23 май куни спортни оммалаштириш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш чора-тадбирлари бўйича ўтказган видеоселектор йўналишида ана шу жиҳатларга алоҳида тўхталди.

Ҳозирда спортни ривожлантиришга давлат томонидан етарлича эътибор қаратилиб, катта маблағ ажратилияпти. Масалан, сўнгги беш йилда спортни ривожлантиришга қарий 4 триллион сўм йўналтирилиб, 118 та янги ийрик спорт объекти фойдаланишга топширилди, 110 та объект реконструкция қилинди.

Жорий йилда спорт соҳасига 2 триллион 300 миллиард сўм (2017 йилдан

Маҳмуджон БОЛТАБОЕВ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори

5 баробар кўп), шундан спорт таълим муассасалари учун 1 триллион 200 миллиард сўм ажратилди.

— Лекин, спортдаги натижалар яратилган шароитларга ҳали мос эмас, — деди давлатимиз раҳбари.

Бунинг учун нима қилиш керак? Президентимиз йўналишда бу борада амалга оширишимиз керак бўлган чора-тадбирлар ҳақида гапириб, уларнинг ижроси юзасидан тегишли топшириқлар берди. Шулардан келиб чиқиб олдимизга бир қатор вазифаларни белгилаб олдик.

Биринчидан, спортчиларни тайёрлаш ва селекция қилиш бўйича янги тизим жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Бунда биз асосий эътиборни маҳаллаларга қаратишимиз керак. Шу мақсадда "маҳаллабай" ишлаш тизимига ўтиш зарур бўлади. Демак, маҳаллаларда спорт мусобақалари ўтказиш орқали янада иқтидорли спортчи-ёшларни кашф қилиш имкони бўлади. Бунинг иқтисодий асослари ҳам бор. Боиси, давлатимиз раҳбари ҳар бир маҳаллада апрель-июнь ва сентябрь-декабрь ойларида мусобақалар ташкил этиб, яхши натижа кўрсатган ёшларнинг электрон рўйхатини шакллантириш бўйича алоҳида топшириқ берди.

Албатта, шароит бўлса, натижа ҳам кўринади. Шу мақсадда эндиликда электрон рўйхатга киритилган ёшлар ўз ҳудудидagi спорт мактабидида ташкил этиладиган махсус гуруҳларда малакали мураббийлар раҳбарлигида бепул шуғулланиш имконига эга бўлади.

Президентимиз спорт мактаблари мураббийларининг иш ҳақи 35 фоизга оширилиши ҳақида ҳам айтиб ўтди. Агар моддий манфаат балки турган

жойда самарадорлик бўлишини ҳисобга олсак, спорт мураббийлари олис кишлоқларда ҳам иқтидорли спортчиларни тарбиялашга жиҳдий киришишига ишонч билдирса бўлади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, эндиликда яхши натижа кўрсатган мактаб директорлари, мураббийлар ва бошқа мутахассисларга қўшимча 50 фоизгача устима тўланади, жамоавий спорт турлари бўйича ҳудудий чемпионатларда спортчилари голиб бўлган мураббийларга эса 5 фоиз, республика чемпионатида 20 фоиз устима берилади.

Иккинчидан, спортчиларни профессионал тайёрлаш тизими ислоҳ қилинади.

Бундан йўлаб кўрсак, спортчиларни тайёрлашга бўлган ёндашувларимиз ҳамон эски мезонлар асосида қўтиб қолганини кўриш мумкин. Мантиқан қараганда шундай, 30 йил олдинги дастурлар асосида ишляпмиз.

Президент топшириғига кўра, илгор хорижий тажриба ўрганилди. Шу асосда спортчиларни профессионал тайёрлаш бўйича янгилаш ишлаш тизимига ўтилади.

Бунда бир қатор муҳим жиҳатлар бор. Масалан, коллежлар ҳар бир вилоятда олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази сифатида ташкил этилади. Марказлар ҳузурида 5-9 синфлар учун Олимпия мактаблари, 10-11 синфлар ва 1-2 курслар учун Олимпия ва паралимпия коллежлари бўлади. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида яхши натижа кўрсатган ёшлар Олимпия мактабидида таълим олади ва чуқурлаштирилган спорт билан шуғулланади. Ихтисослашган спорт мактаблари битирувчилари коллежларга 1-курсга қабул қилиниб, тайёргарлиқнинг узлуқсиз тизими яратилади.



Спорт вазирлиги ҳузурида илгор тренер ва хорижий экспертлардан иборат Мураббийлар кенгаши ташкил этилиб, мусобақаларда энг юқори натижага эришган спортчиларни коллежларга саралаб олади, шунингдек, коллеж битирувчилари Олий спорт маҳорати институтига қабул қилинади.

Бундан кўринадики, ҳали олдимизда ниятда маъсулиятли вазифалар, муҳим чора-тадбирларни бажариш юки турибди.

Учинчидан, Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳам янгича мезонлар асосида ишляшга ўтади.

Президент топшириғига кўра, эндиликда вазирлик мутасаддиқлари 279 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидидаги шарт-шароит ва мураббийлар малакасини жойига бориб ўрганиши ҳамда уларни олимпия спорт турларига ихтисослаштириш зарур бўлади. Ҳар бир спорт мактабини ўз ҳудудидидаги маҳалла, мактаб ва техникумлар билан боғлаб, уларда камида 1 тадан олимпия спорти тўғрақларини ташкил этиш ҳам кун тартибидидаги масалалар.

Бундан ташқари, Спортни ривожлантириш вазирлиги йил якунигача спортчиларни маҳалладан бошлаб танлаб олиш бўйича электрон платформани ишга тушириш, натижа кўрсатган маҳаллаларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш, спорт мактабларини тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармон ва спорт кийимлари билан таъминлаш учун жорий йилда 35 миллиард сўм ажратиш, 1 сентябргача мактаб, спорт мактаби, коллеж ва олийгоҳларнинг залларини олимпия спорт турлари клубларига бепул бериш тартибини жорий этиш каби долзарб масалаларни ҳал этишга киришади.

Тўртинчидан, энди ҳокимлар ҳам "ўзини спортга уради". Негаки, Президентимиз ҳақли танқид қилганидек, шу кунгача ҳокимлар спортни ривожлантириш масаласи ҳақида кўп ҳам қайғурмади. Спорт четдаги масала бўлиб қолаверди, кун тартибига қўйилмади. Натижада бирорта вилоят, туман ёки шаҳар ҳокими спортнинг барча турлари бўйича тизимли ишлашни йўлга қўя олгани йўқ.

— Бугунги селектордан, айниқса, туман-шаҳар ҳокимлари ва сектор раҳбарлари хулоса қилиб, оммавий спортни ривожлантириш бўйича ишларни жадаллаштириши керак. Бу борада сўров доимий ва қаттиқ бўлади, — деди Президентимиз.

Шу вазифалардан келиб чиқиб, вазирлик ва вилоят ҳокимлари ёшларнинг 43 фоизи (6 миллиондан ортиқ) оммавий спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриши шартлиги кўрсатилди.

Бешинчидан, Жисмоний тарбия ва спорт университети, республика малака ошириш ҳамда спорт илмий-тадқиқот институтлари фаолияти ҳам жонланади. Сабаби, давлатимиз раҳбари спорт таълими ва илмини ривожлантириш бўйича ҳам танқидий фикрлар айтиб, бир қатор аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Соҳада илмий изланишлар самарадорлигини оширишга киришамиз. Ўзбек спорти методикасини яратиш ҳам олдимиздаги долзарб вазифа бўлиб қолади. Бу бўйича биз тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда "Йул харитаси" ишлаб чиқамиз ва зарур чора-тадбирларни кўрамиз.

Асосий эътибор спортчиларни олимпия спорт турлари бўйича жисмоний ва руҳий тайёрлаш, соғлом овқатлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, келгуси ўқув йилидан бошлаб университетимизда спорт диетологияси, муҳандислиги ва кардиомашгулотлар, Тиббиёт академиясида эса спорт медицинаси ва фармакологияси бўйича мутахассислар тайёрлашга қаратилади. Шунингдек, йилга камида 20 нафар маҳаллий мураббий, спорт шифокори ва бошқа мутахассислар хорижда малака ошириш тизимини жорий этиш, Жисмоний тарбия ва спорт илмий тадқиқотлар институтини фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, уни такомиллаштириш бўйича ҳам ишлар бошланади.

Бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзи, оммавий спортни ривожлантириш ва халқро майдонларда юксак натижа кўрсата олишга қодир спортчиларни тайёрлашнинг янги ва замонавий тизимига ўтилмоқда. Бу йўл, Президентимиз таъкидлагандек — сиёсат.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ



Бошланиши 1-бетда

ХОМАШЁ ЕТИШТИРУВЧИ
ЎЛКАДАН САНОАТИ
РИВОЖЛАНГАН
МАМЛАКАТГА
АЙЛАНИШ ЙЎЛИ

Илгари етиштирилган пахта ҳосили қайта ишланиб, ундан олинган толаннинг асосий қисми хорижга экспорт қилинади. Сабаби, хомашёни чуқур қайта ишлаш қувватлари паст эди. Кейинги даврда, аниқроғи, Ҳаракатлар стратегияси амалга оширилган йилларда бу борадаги ҳолат тубдан ўзгарди.

Янги иқтисодий тармоқлар, хусусан, кластерлар ва уларнинг тизимига ишлаб чиқариш бўғинлари ташкил этилди, соҳага инвестициялар жалб қилинди. Агар 2017 йилда вилоятимизда мамлакатда биринчи пахта-тўқимачилик кластери фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда улар сони 11 тага етди. Бу тармоқлар вилоятда етиштирилган пахта ҳосилини тўлалигича қайта ишламоқда ва улар томонидан ўтган йили 175 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Қўшилган қийматли товарлар ҳисобига кластер тизимидаги корхоналар биргина ўтган йилда 396 миллиард сўм соф фойдага эга бўлди.

Бугун пахта-тўқимачилик соҳасидаги тажриба асосида галлачилик, тоқзорлик, мева-сабзавотчилик тармоқларида ҳам кластерлар муваффақиятли ишламоқда. Жамият ривожига тўсиқ бўлаётган ва одамларни ташвишлантираётган муаммоларни ҳал этиш самарадорлиги ошаётгани кейинги йилларда эришилган энг катта ютуқларимиздан бири. Бунда юридик ва жисмоний шахслар муносабатлари билан ишлашнинг янгича тизими — Президент Халқ қабулхонаси ҳудудий бўлимлари ташкил этилиши, давлат органлари раҳбарлари томонидан сайёр қабуллар ўтказилиб, уларда кўтарилган долзарб масалалар ечими назоратга олингани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Яна бир жиҳат. Давлат дастурлари доирасида ўтказилаётган тадбирларнинг очкилиги, уларда фуқаролар, барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари, депутатлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, МФЙ органлари, нурунийлар, хотин-қизлар, ёшлар, ижодий муассасалар вакилларининг кенг иштирок этиши фуқаролик жамияти ривожланишида катта омилдир.

ОДАМЛАРНИНГ
БАХТЛИ ҲАЁТИНИ
КЎРИШ УЛКАН САОДАТ

Мен иш юзасидан туман ва шаҳарларга тез-тез бориб тураман. Мулоқотларда эътиборимни тортган жиҳатлардан бири шуки, кишилар юртимиздаги ислохотлар, турмушдаги ўзгаришлар ҳақида фахр билан гапирди. Ҳатто олис ҳудудларда ҳам электр, газ, сув таъминоти йўлга қўйилмоқда. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари асосида кўчалар қиёфаси янгиланиб, одамлар учун кенг қулайликлар яратилляпти.

Шу ўринда ўтган йиллар мобайнида вилоятимизда 81 та маҳалла ва қишлоқ юқоридаги дастурлар билан қамраб олинганини, бунёдкорлик лойиҳаларига жами 1,2 триллион сўм сарфланганини қайд этиш лозим. Бу ишлар давом эттирилади. Жорий йилда 26 та қишлоқ ва маҳаллада замонавий инфратузилмалар ҳамда бошқа ўзгариш ва қулайликлар кўзда тутилган ободончилик лойиҳаларига жадал киришилган.

Буларнинг барчаси халқимиз турмушини обод этиш учун катта имконият бўлмоқда. Бугун чекка-чекка қишлоқларимизда рўй бераётган бу янгиланишларни кўриб, 15-20 йиллар олдинги ҳолат кўз олдимда жонланади. Ушанда қишлоқларда йўл инфратузилмаси талабга жавоб бермас, ишсизлик жиддий муаммо эди. Электр, газ, ичимлик сув каби имкониятларни фақат оруз қилардик. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳам замондан орқада қолиб кетганди. Табиийки, буларнинг барчаси аҳолининг давлат органларига эътирозини кучайтирар, бу борада қарор қабул қилиш, бирор жиддий қадам ташлаш учун эса биз, маҳаллий ҳокимият раҳбарларида ҳеч қандай имконият йўқ эди.

Мана, бугун вазият тубдан ўзгарди. Президентимиз маҳаллий ҳокимият раҳбарларининг ташаббускорлигини жуда қадрлайди ва қўллаб-қувватлайди. Ҳатто маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ундан фойдаланишда жойлардаги ҳокимликларга катта имтиёз ва имкониятлар берилмоқда. Бундай ишлардан ҳар қанча фахрлансак, қувонсак арзийди. Шу билан бирга, зиммаларидан масъулиятни доимо ҳис этиб турмоғимиз лозим.

Самойдин ҲУСЕНОВ,
Нуроний жамғармаси Бухоро вилояти бўлими
раиси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш
бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ИНСОН ҚАДРИНИ
ЮКСАЛТИРИШ —
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ
БОШ МАҚСАДИ

Шавкат Мирзиёев ўтган йил 6 ноябрь куни Президентлик лавозимига киришиш тантанали маросимида сўзлаган нутқидан бундай деди: “Эл-юртимиз, биз бошлаган халқчил ислохотларга бугун хайрихоҳлик ва қатъий ишонч билан қараб, уларнинг ҳосили ва самарасини тезроқ кўришни истамолда. Ана шу ҳақли талабни инобатга олган ҳолда, биз Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиб, сайлов жараёнида уни ўзига хос умумхалқ муҳокамасидан ўтказдик”.

Дарвоқе, мазкур муҳим концептуал ҳужжатда ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосий ғоя сифатида илгари сурилди. Янги стратегияда мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари энг олий қадрият, деб белгиландики, у “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилга ҳамоҳангдир. Тараққиёт стратегиясида навабдаги беш йилликда амалга ошириладиган устувор вазифалар белгиланган.

Ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг доирасида ижтимоий ҳимоя ва доимий ёрдамга муҳтож аҳоли билан ишлашнинг “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби янгича механизми жорий этилди. Жумладан, ўтган йил мазкур механизм орқали вилоятимизда 2,8 минг фуқаро учун ихчам иссиқхоналар ҳамда 5,5 мингдан ортиқ оила учун дуга усулидаги иссиқхоналар қуриб берилди.

Шу мақсадда сарфланган маблағларнинг 50 фоизи субсидиялар ажратиш ҳисобига қопланди. Бундан ташқари, 550

жамғармаси бўлимларига ариза берувчи фуқаро фақатгина фуқаролик паспорти ва меҳнат дафтарчаси нусхасини тақдим этса kifоя, унга шу орқали пенсия тайинланади, ортиқча овозагарчилик йўқ. Бунда фуқароларнинг иш стажини ва иш ҳақи тегишли вазирлик ва идораларнинг электрон базасидан маълумотлар алмашинуви йўли билан олинади. Бунга қадар пенсияга чикуви фуқаролар бир қанча ташкилот ва архивлардан ҳужжат йиғиш билан овоза бўларди.

Энди Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастуридаги кексаларга эътибор иқроси, умуман, юртимизда бу борадаги савий-ҳаракатлар ҳақида гапирсак. Кейинги йилларда вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда нуронийлар жамоатчиликл кенгашлари,



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ҲАЁТИМИЗДАГИ
ЎЗГАРИШЛАРДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

хотин-қизга имтиёзли шартлар асосида тикув машинаси, бошқа жиҳозу техника олиб берилди. 26,1 минг аёл ва ёшнинг бандлигига эришилди. Кам таъминотли фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ижтимоий нафақа билан таъминланадиганлар сони 1,5 баробар оширилди.

Президентимиз 2021 йил 6 ноябрдаги нутқиди таъкидлаганидек, **кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар томонлама эъзозлаш халқимизнинг азалий қадрияти ҳисобланади**. Шунинг учун ҳам бу масала давлат сиёсатидаги устувор йўналишлардан бирига айланган. Унинг ҳуқуқий асослари тобора мустақамлашиб бормоқда. Соҳага оид 10 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилингани бунга далил.

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗ ВА
ЭЪТИБОРДА

“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган, етти йўналишдан



иборат **Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”**да амалга оширишга оид давлат дастуридан келиб чиқиб, Президентимизнинг 2022 йил 15 мартда қабул қилинган “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Унда аввалги йилларда эришилган ютуқлар эътироф этилди. Жумладан, кексалар муаммоларини ўрганиш, уларга қулайлик яратиш мақсадида 152 та туман ва шаҳарда кексалар учун “Нуронийлар маскани” мажмуалари ташкил қилинди.

Шунингдек, ишловчи пенсионерларга пенсияларини тўлиқ миқдорда тўлаш йўлга қўйилди. Барча турдаги пенсия ва нафақа тўловлари нақд шаклда берилди ёки фуқароларнинг розилиғи асосида банк картасига ўтказилляпти. Бундан ташқари, 2021 йил 1 июндан бошлаб Пенсия

маҳаллаларда “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ташкил этилди. “Кексалар ҳафталиғи” ва “Кексалар учун туризм ойлиғи”ни ўтказиш анъанасига айланди.

Мазкур ҳафталикларга вилоятимиздаги 83 мингдан зиёд отахону онахон қамраб олинди. Уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказилди ҳамда маданий мерос дурдоналари ва “Етти пир” зиёратгоҳлари билан танишиши учун кенг имкониятлар яратилди. Кейинги тўрт ой мобайнида 15 мингдан зиёд нуроний ички туризм тадбирларида жалб этилди.

Бир сўз билан айтганда, кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаровонлигини янада яхшилаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди.

Хусусан, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлардаги “Фахрийлар кенгашлари”, фуқаролар йиғинларидаги “Кексалар маслаҳати” гуруҳларининг фаолияти мувофиқлаштирилади. “Ҳеч ким меҳр ва

бириктириш орқали уларни жамият учун фойдали инсонлар бўлиб етишишига қўмаклашиш дастурлари ишлаб чиқилди.

Ҳозирги пайтда вилоятимиздаги 544 та маҳаллада юқоридаги тамойилга мувофиқ, ҳаёт йўли билан ибратли нуроний ва зиёлилар танлаб олинди.

Ёшларнинг тарбияси ва ахлоқиди бўлган ижобий ўзгаришлардан келиб чиқиб, нуроний ва зиёлилар Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб борилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролар йиғинлари томонидан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича маҳаллалар дастурлари қабул қилинди. Мазкур лойиҳага мувофиқ, ўтган йил куз мавсумида вилоятимиз ҳудудида 7033 минг тул, жорий йил баҳорда 9668 минг тул мевали ва манзарали кўчат ўтказилди.

Маҳаллаларда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар, мактабларда ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштириши, давомати, бандликка қўмаклашиш марказлари томонидан фуқароларни иш билан таъминлаш даражаси ва бошқа



сўмлик, 2022 йил биринчи чорагида 120,6 миллион сўмлик 19 турдаги бепул озиқ-овқат ва гигиена воситалари билан таъминланди.

ИЖТИМОЙ
ҲИМОЯНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТАМОЙИЛИ

Президентимизнинг 2022 йил 29 апрелдаги “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида ҳам халқимизга хос олижаноб ишларнинг мантиқий давоми сифатида қатор вазифалар белгиланди. Унга кўра, 2022 йил 1 майдан ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари миқдори 12 фоиз оширилди.

Шунингдек, шу санадан эътиборан, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни минимал истёмоқ харажатлари қиймати кам бўлмаган миқдорларда белгилаш мақсадида зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори 14 фоиз оширилди, яъни ойига 500 минг сўм, иш стажини тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда ойига шунча миқдорда тўлаш тартиби жорий қилинди. Вилоятимизда ушбу тоифадаги нафақа олувчилар 22,5 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, 14 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногиронига

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 июлдаги “Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ, вилоятда ўтган йили ногиронлиги бўлган 358 шахс 836 та, жами 186,3 миллион сўмлик, 2022 йилнинг дастлабки уч ойида ногиронлиги бўлган 57 муҳтож фуқаро умумий қиймати 78,4 миллион сўмлик 139 та протез-ортопедия мосламаси билан таъминланди.

Шунингдек, юқорида тилга олинган давр мобайнида 1092 нафар муҳтож инсонга 347 та катталар ва болалар ногиронлик аравачаси, 181 та эшитиш мосламаси, қўллаб қўлтиқтаёқ ва тирсақли ҳасса ҳамда бошқа турдаги зарур воситалар етказиб берилди. Бундан ташқари, 2021 йил давомида ва жорий йил биринчи чорагида пенсионер ва ногиронлиги бўлган 4750 фуқаро сиҳатгоҳларда бепул йўлланма асосида саломатлигини тиклади.

Ўтган йили кексалар ва нуронийларнинг 252 минг 428 нафари, жорий йил биринчи чорагида эса қарийб 105,2 минг нафари тора доирадаги мутахассислар чуқурлаштирилган тиббий қўригидан ўтди. Улар орасида турли касаллик аломатлари аниқланганларининг 188 минг 618 нафари амбулатор шароитда даволанди, 15 минг 853 нафари эса туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсида стационар шароитда саломатлигини тиклаши учун йўналтирилди. Бу борадаги ишлар янги босқичда давом эттирилади. Хусусан, улар ҳар йили бир мартаба “Нуроний” жамғармаси маблағлари ҳисобидан санаторийларда бепул соғломлаштирилади.

Шунингдек, ушбу жамғарма орқали шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга шифокорларнинг тавсияларига асосан 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори-дармон, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари олиб берилди ҳамда жаррохлик амалиётларининг харажатлари қопланади. Бундан ташқари, оғир ташхисли касалликлари ҳамда ногиронлиги бўлган кексаларга 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори-дармоннинг 50 фоизигича бўлган суммаси компенсация қилинади.

Шу билан бирга, жамғарма маблағлари ҳисобидан кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги муассасаларда (стадион, спорт заллари, ҳовуз ва бошқа спорт мажмуалари) жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун абонемент харажатлари қопланади.

Бунда абонемент харажатларининг бир ойлик суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробаридан ошмаган ҳолда спорт йўналишидаги муассасалар ҳисобрақамига ўтказиб борилади. Жамғарма маблағлари ҳисобидан давлат театрлари ва музейларига кексалар учун чипта нархлари тўлиқ қўллаб берилди.

15 миллион сўмдан бир марталик пул мукофоти тўлаб берилди.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармонида мувофиқ, 2022 йил 1 майдан бошлаб “Саховат” уйларида яшовчи зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга шахсий сарф-харажатлари учун ҳар ойда тегишли белгиланган нафақаларнинг 20 фоизи миқдориди тўлаб бериш тартиби жорий этилди. Таъкидлаш жоизки, илгари зарур иш стажига эга бўлмаган шахслар тўлиқ давлат таъминотида бўлгани сабаб нафақа берилмас эди.

Ушбу фармон билан 2023 йил 1 январдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги учун пенсия тайинлангандан кейин ишлаган фуқароларнинг иш стажини ва иш ҳақини ҳисобга олган ҳолда ногиронлик пенсияси миқдорини ҳар икки йилда қайта ҳисоблаш тартиби белгиланди. Шу вақтга қадар амалда бўлган қонунчиликда эса ногиронлиги бўлган шахсларга пенсия тайинлангандан сўнг ишлаган даври, иш стажини ва иш ҳақи миқдорлари пенсияни ҳисоблашда инобатга олинмаган эди.

Инсон меҳнатига қараб, кексаликда яшашини таъминлайдиган рағбат топиши керак. Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган ислохотлар замирида ҳам шу омил ётибди. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонида ҳам бу масалага эътибор қаратилган.

Жумладан, унда 2023 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсияни ҳисоб-ки-тоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилиши кўзда тутилди. Хуллас, бу йўналишда ҳам халққара андозаларга мос қадам ташланяпти. Бу бор-йўғи опти йил илгари ҳатто тасаввурга ҳам сиймасди.

Ҳа, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида мамлакат тараққиёти ва фаровонлиги сари катта марралар белгиланган. Бугун халқимиз ҳаёти кечанидан тубдан фарқ қилади. Улар меҳнат қадр топиб, шунга мос равишда турмуш сифати, фаровонлиги ошиб бораётди. Буни давлат ва жамият эътиборида бўлган кексаларимиз ҳам кундалик ҳаётларида ҳис этипти.

Вилоятимиз аҳолиси сони 2 миллионга яқинлашмоқда. Кейинги йилларда турмуш сифати яхшиланиш натижасида ўртача умр кўрсаткичи ошиб бориб, ҳозир 75 ёшга етди. Кексаларимизда эса бу янада юқори. Аниқроғи, уларнинг ўртача ёши 82 ёш.

Юртимиздаги демократик янгиланишлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар халққара ташкилотларнинг рейтингиди юқори баҳоланмоқда. Агар кекса ва нуронийларга ҳурмат ва ғамхўрлик даражаси мезони ўлчуви ҳам назарга олинса, бу борада Ўзбекистон дунёда салмоқли ўринга эга бўлиши, шубҳасиз.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

**Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб инсониятнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи ортиб борди. Тармоқ тараққиёти эса энергетиканинг ёқилғи ва қайта тикланмайдиган ресурслар билан қанчалик таъминланганига боғлиқ, деб қаралади. Аммо бүгун энергетика ресурслари кўп бўлишининг ўзи камлик қилади. Дунёда аҳоли сонининг ошиб бориши ҳамда иқтисодийётнинг ривожланиши электр энергия ишлаб чиқаришининг янги ва самарали усулларини топиб, ҳаётга жорий этишни тақозо этмоқда.

Халқаро ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда

Ёқилғи-энергетика соҳасини ривожлантириш, муқобил энергия манбаларини қўллайтириш, бу орқали аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлашда жаҳон тажрибаси муҳим ўрин тутadi. Соҳага энг замонавий технологияларни жорий этиш самарадорлигини бир

неча баробар оширади. Шу боис, халқаро компаниялар билан имзоланган йирик инвестицион лойиҳалар самараси юртимизнинг барча ҳудудларига кириб бормоқда.

Соҳада фаолият юритаётган хориж компаниялари, янги брендлар, ёқилғи-энергетика тизимида қўлла-

мутахассисларнинг маълумоти-га кўра, Ўзбекистонда электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми сўнгги 5 йилда 61 миллиард кВт. соатдан 72 миллиард кВт. соатга ёки олдинги ҳолатга нисбатан 1,2 баробарга ошган. Ҳисоб-китобларга кўра, бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 110 миллиард кВт. соатгача етиши мумкин. Мамлакатимиз истеъмолчиларининг табиий газга бўлган йиллик талаби эса ҳозирги 54,2 миллиард куб метрдан 65 миллиард куб метргача ошиши кутилмоқда.

Жорий йил 24 май кuni нефть-газ хомашёсини қазиб олиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган йилгилашда давлатимиз раҳбари мазкур соҳада бошланган трансформация жараёнларини жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади. Бунда халқаро консултантларни жалб қилиб, стратегик ёндашувларни белгилаб олиш, нефть-газ соҳасида ҳисоб-китоб механизмлари шаффофлигини

таъминлаш вазифалари белгиланди. Умуман олганда, аҳолининг ёқилғи-энергетикага бўлган талаби қамалиб борадиган эҳтиёж эмас, аксинча, тараққиёт билан бирга йилдан-йилга ўсиб бораверади. Ҳаётимизга кириб келаётган замонавий электр қурилмалар, янги турдаги маиший техникалар, электромобиллар, умуман, электр токида ишлайдиган воситаларнинг ортиши энергия истеъмоли кўрсаткичларини ошириб боради.

**Раҳул РАЖ,
Германиядаги “Leser” компаниясининг МДХ бўйича маркетинг бошлиғи:**

— Нефть-газ ишлаб чиқаришда корхоналардаги қурилмаларнинг мустаҳкамлиги, замонавий ечимларга эга бўлиши катта аҳамиятга эга. Биз ана шу соҳада қўлланиладиган энг муҳим деталлардан бири — ҳимояловчи клапанларни ишлаб чиқарамиз. У машина ва механизмларда ҳаво, сув, буғ, газ оқимларини боқаришга имкон берадиган қурилма бўлиб, ростлаш, сақлагич, авариянинг олдини олиш каби муҳим вазифаларни бажаради. Механизмлар орқали келаётган босимнинг портлаб кетмаслигининг олдини олади. Бу

қурилмадан қўллаб соҳаларда, аниқроғи, қаерда босим кучи бўлса, ўша ерда фойдаланилади.

Нефть-газ соҳаси учун тайёрланган клапанлар стандарт бўйича зангламайдиган темирдан ишлаб чиқарилади. Аммо талабга қараб, янча мустаҳкам бўлган титан, никель ва бошқа металллардан ҳам фойдаланамиз. Хомашё асосан Германия, Европа давлатларидан харид қилинади.

Компаниямиз 200 йилдан буюн фаолият олиб боради ва дунёнинг деярли барча давлатлари билан ҳамкорлик



алоқаларини ўрнатган. Ўтган давр мобайнида маҳсулотлар турини кўпайтиришга эмас, балки асосий товар —

клапанларни янада такомиллаштириб, инновацион турларини яратишга эътибор қаратдик. Бу сифат жиҳатидан ўз ўрнимизни мустаҳкамлашимизга хизмат қилмоқда. Қолаверса, ишлаб чиқариш жараёнига нанотехнологияларни жорий қилганмиз. Бу маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини бир неча баробарга оширди. Яқиндан эса клапанларга QR кодлар ўрнатила бошланди. Бу энг янги технологиялардан бири бўлиб, дунёнинг исталган еридан туриб QR код сканер қилинса, маҳсулот ҳақидаги барча маълумотлар чиқиб келади.

Асосий заводимиз Германияда жойлашган ва унда жами 1100 нафар киши ишлайди. Маҳсулотларимиз фақат ана шу заводдан экспорт қилинади. МДХ давлатлари, хусусан, Туркменистон, Қозоғистон, Ўзбекистонда расмий сотув ҳамкорларимиз бор.

Ўзбекистон бозорига кириб келганимизга кўп бўлмади. Ҳамкорлигимиз охириги бир неча йилларда бошланган бўлса-да, экспорт кўрсаткичлари ўсиб борапти. Маҳсулотларимизга қизиқиш ҳам, талаб ҳам юқори эканидан мамнунмиз. Келгусида ҳамкорлигимизни фаол давом эттириш ниятимиз бор.

камералар эса энг юқори иссиқликка ҳам бардошли, оловда ёнмайди. Қўрилманинг устки қисми зангламайдиган пўлат (нержавика) билан қопланиб, ички томони оловга чидамли материаллар билан қавақ-қавақ қилиб ўралган. Камера эса энг ичкарига жойлаштирилган. Ёнгиндан омон қолган камера ёрдамда ҳодиса сабаблари, воқеанинг қандай бўлганини кўриш мумкин.

Яна компания томонидан чегара ҳудудларда ҳар қандай ҳисмага эмас, балки айнан белгилангани, яъни инсон, ҳайвон ёки автомобиль ва ҳоказони аниқлагандагина сигнал берадиган кузатув камералари ишлаб чиқарилади. Термал терминаллари-миз эса автоматик тарзда одамнинг тана ҳароратини ўлчаб, юзидан тиббий ниқоби бўлмаса, бино ичига киргизмайди. Бу, айниқса, пандемия даврида қўл келади.

Умуман, барча турдаги маҳсулотларимиз Ўзбекистон бозорига кириб келган. Уларни мамлакатнинг шароити, талаби ва қатор омиллар асосида ишлаб чиқариб, бу ердаги расмий ҳамкоримиз бўлган “Smart technology systems” корхонасига етказиб берамиз. Юртимизга йилига 500 мингдан ортиқ кузатув камералари экспорт қиламиз. Мамлакатнинг бизнинг ишончли ҳамкорларимиздан саналади. Шу боис, охириги йилларда компаниямизнинг Ўзбекистонга экспорт ҳажми ошиб борапти.



турли нохуш ҳолатлар, масалан, портлашларнинг юзига келиш эҳтимоли юқори. Бундай вақтда барча қурилмалар ёниб кетиб, бахтсиз ҳодиса сабабини аниқлаш имкони бўлмайди. Биз таклиф этаётган мустаҳкам

**Максим ХУ,
Хитойнинг “HikVision” компанияси мутахассиси:**

— Ўзбекистон бозорига кириб келганимизга 5 йилдан ошди. Бу ерда ҳамкорларимиз кўп. Ўтган йиллар давомида мамлакатда ривожланиш даражаси жадал ўсиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Иқтисодиёт тармоқлари ривожлангани сари бизнинг маҳсулотларимизга талаб ошиб борапти. Айниқса, кузатув камераларимизга талаб катта.

Компаниямиз кузатув камералари, маълумотлар хавфсизлигини таъминловчи қурилмалар ишлаб чиқариш соҳасида Хитойдаги энг йирик брендлардан бири саналади. Компания жаҳонда ҳам ўз ўрнига эга. Биз кузатув камераларидан ташқари, йирик мониторлар, назорат

қилиш қурилмалари, сенсорли панеллар, дронлар ишлаб чиқарамиз. Уларнинг турларини тез-тез энг замонавийларига алмаштириб, ишлаш механизмларини такомиллаштириб борамиз. Компанияда 40 мингдан ортиқ ходим ишлайди, уларнинг аксарияти малакали муҳандислар. Йилига 8,6 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Дунёнинг қўллаб-даватларига сотув йўлга қўйилган.

Охириги йилларда ёнгин, портлашлар, сув, турли об-ҳаво шароитларига чидамли, юқори ҳимояланган кузатув камералари ишлаб чиқара бошладик. Бу кўпроқ нефть-газ корхоналарида фойдаланишга мўлжалланган. Гап шундаки, бундай корхоналарда

ИННОВАЦИЯ

ДАҒАЛ ЖУННИ ТЎЛИҚ ҚАЙТА ИШЛАШ

Юртимизда илк бор йўлга қўйилаётган ушбу лойиҳанинг самарадорлиги қандай?



**Мустафоқул ЎРОЗОВ,
Термиз муҳандислик технология институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, техника фанлари номзоди, доцент**

Сайёрамизда аҳоли сони кун сайин ортиб, барча турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёж кенгайиб борапти. Айниқса, жаҳон бозоридида кийим-кечак, тўқимачилик маҳсулотларига талаб ҳамisha юқори. Шу боис, тўқимачилик саноати дунёда энг тез ривожланаётган соҳалар қаторида етакчилик қилмоқда. Нафақат пахта ёки ипори, балки жун толасидан тайёрланадиган маҳсулотларнинг ҳам харидори доим топилади.

саноат институти мутахассислари билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб борди. Натижада дағал жунни кимёвий ва механик усулда қайта ишлаш орқали техник жиҳатдан сифатли бўлган майин жун олишга эришдик.

Ўтган йил 1-2 июнь кунлари давлатимиз раҳбарининг Сурхондарё вилоятига ташрифи доирасида мазкур инновацион лойиҳа тақдироти ўтказилганида, янгиланган иштибоқли, деб топилди. Берилган топшириқ асосида лойиҳа Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан молиялаштирилиб, 1 миллиард 100 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳозирда мазкур технология Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида ишлаб чиқаришга жорий этилган.

**Энди дағал қўй жунни
чиқиндига чиқарилмайди**

Жун толасидан тайёрланган маҳсулотлар табиий хоссалари, қўрқамлиги, мустаҳкамлиги, майин ва иссиқликни яхши сақлай олиши билан ажралиб



ҳамда қўшни Қозоғистонда боқиладиган қўйларнинг жунни эса қўл ҳолларда дағал. Бу табиат, иқлим шароитимиз ҳамда қўй зотлари билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 15-20 миллион бош қўй ва эчки боқилади. Улардан 13 минг тонна жун хомашёси тайёрлаш мумкин. Нисбатан кенг тарқалган қорақўл қўйларининг жунни йилда икки марта — баҳор ва кузда қирқиб олинади. Қузги қирқимда олинган жунлар қаттиқ ва дағалроқ бўлиб, улардан, асосан, намат ва нотўқима маҳсулотлар, иссиқлик сақловчи материаллар сифатида фойдаланиб келинмоқда. Баҳорги қирқим эса қузгига нисбатан майин ва сифатли жун толапарининг қўллиги билан ажралаб туради.



Жараённинг асосий қисми

Ҳар бир қўйдан тозаланмаган ҳолда, ўртача 1-1,5 килограмм атрофида жун олиш мумкин. Ундан сифатли маҳсулот тайёрлаш учун эса жунга дастлабки ишлов бериш талаб этилади. Яъни дағал жун толаси таркибидидаги турли чиқинди, табиий ёғ қолдиқларидан тозалаш зарур.

Дастлаб жун толаси сараланиб, кейинги босқичда механик усулда титиш ва тозалаш жараёнидан ўтказилади. Сўнг спирт актив модда, сода, маҳсул ферментлардан иборат эритма ёрдамида ювилади. Бу жараённинг асосий қисми бўлиб, унда жун толаси таркибидидаги ёғ-моддалар кимёвий моддалар

66 Сўнгги йилларда нафақат жаҳонда, балки мамлакатимизда ҳам электр энергияси ишлаб чиқаришнинг муқобил манбалари, яъни қайта тикланадиган сув, қуёш, шамол электростанцияларидан фойдаланиш ривожланиб борапти. Аммо бу борада ҳозирча асосий вазифа иссиқлик электр станциялари зиммасида. Мазкур корхоналарда электр энергия нефть, газ, қўмир сингари табиий ёқилғи манбалари ҳисобига ишлаб чиқарилади. Биргина мисол, юртимизда охириги уч йилда ИЭСларга электр энергияси ишлаб чиқариш учун етказиб берилган табиий газ ҳажми 15 миллиард куб метрдан 17 миллиард куб метрга етган.

66 ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИГА КИРИБ КЕЛГАН ИМЗИЗГА КЎП БЎЛМАДИ. ҲАМКОРЛИГИМИЗ ОХИРГИ БИР НЕЧА ЙИЛЛАРДА БОШЛАНГАН БЎЛСА-ДА, ЭКСПОРТ КЎРСАТКИЧЛАРИ ЎСИБ БОРАПТИ. МАҲСУЛОТЛАРИМИЗГА ҚИЗИҚИШ ҲАМ, ТАЛАБ ҲАМ ЮҚОРИ ЭКАНИДАН МАМНУНМИЗ. КЕЛГУСИДА ҲАМКОРЛИГИМИЗНИ ФАОЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ НИЯТИМИЗ БОР.

Янги авлод электр станциялари

Мамлакатимизда энг кўп инвестициялар жалб этилаётган соҳалардан бири — энергетика йўналиши ҳисобланади. Айниқса, энергетика ҳамкор технологиялардан фойдаланиш, муқобил энергетика манбаларини яратиш, янги авлод қуёш ва шамол электр станцияларини қуришда катта инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

**Ўзгур КУФАЖИ,
Туркиянинг “Контроматик
Ташкент” корхонаси
бош директори:**

— Ўзбекистон билан нафақат дўстлик, балки ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганмиз. Электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш йўналишида биргаликда ишлаб келяпмиз. Ўтган йили Ўзбекистонда компаниямизнинг филиали иш бошлади. Бу янада кўпроқ лойиҳаларни амалга оширишимизга йўл очмоқда.

Ҳозир бу ерда 1 та тугалланган ва 4 та давом этаётган лойиҳамиз бор. Қўйраб туманида амалга оширилган инвестицион лойиҳага кўра, 110 киловольтлик подстанцияни очик тақсимлаш қурилмаси ҳолатида топширдик. Бугунги кунда Хоразм, Сирдарё вилояти ва Қўйраб туманидаги юқори қувватли иссиқлик электр станциялари қурилишида иштирок этапмиз. Бизнинг асосий вазифамиз станциянинг подстанция қисmini тайёр ҳолда топширишдан иборат.

Шу ўринда, подстанция ўзи нима, деган савол туғилиши мумкин. У электр энергия қувватини ўзгартирмасдан, қучланиш ёки электр токини бир қийматдан иккинчи қийматга айлантириб берадиган, яъни электр энергияни тақсимлаб берадиган корхона ҳисобланади.

Компаниямиз 2008 йилдан буюн саноат ишлаб чиқариш корхоналари, нефть ва газ соҳасида фаолият олиб боради. 30 дан ортиқ мамлакатда 300 дан зиёд лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Дунёнинг 8 та давлатида филиалларимиз бор.

Компаниянинг 3 та ишлаб чиқариш заводи бўлиб, подстанциялардан ташқари, электр энергия тизимида қўлланиладиган қатор замонавий қурилмалар тайёрланади. Шулардан бири подстанцияларда фойдаланиладиган электр шкафлардир. Улар ишлаб чиқаришлар ўртасидаги коммуникацияни таъминлаб, электр узатиш линияларини турли авария ҳолатларидан ҳимоялашга хизмат қилади. Масалан,

тиғиз вақтларда электр энергияси босими кўпайиб кетиши ҳисобига генераторларга зарар етиши хавфи юзга келади. Шундай вақтда электр шкафлар ишга тушиб, катта талафотларнинг олдини олиш мақсадида линияларни ўчириб қўяди.

Ҳозирда электр энергия ишлаб чиқаруши мини гибрид электростанцияларни ҳам ишлаб чиқаряпмиз. Мазкур илҳам блок ичига 5 киловатт қувватга эга қуёш панели, шунча қувватли шамол генератори ва дизель генератори жойлаштирилган. Яъни истеъмолчи эҳтиёжи ва шароитга қараб, уларнинг исталган беридан фойдаланиши мумкин. Илҳам электр станциянинг умумий қуввати 15 киловатт соатга тенг. У йирик истеъмолга эга бўлганга 8 та хонадонни электр энергия билан таъминлай олади. Қурилма электр токи етиб бормаган узок тоғли ҳудудлар, марказдан олис қишлоқларда, турли қурилиш объектларида фойдаланишга қўлай.

Ўзбекистонлиқлар барча маҳсулотларимизга қизиқиш билдиришмоқда. Биз мамлакатда нафақат подстанциялар қуриш, балки мобил ва гибрид электр станциялар етказиб беришни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Умуман, бу гўзал диёр билан ҳамкорлик бизни доим қувонтиради. Одамларнинг самийи, илҳам муносабатлари, дўстона алоқалар учун қардош дўстларимизга миннатдорлик билдираман.

таъсирида эрувчан ҳолатга ўтади. Маҳсул ферментлар эса жун толасининг майинлашишини таъминлайди. Ювиш жараёнида хомашёнинг физик-механик хоссалари сақлаб қолинади, ҳўлланувчанлиги, сув шимувчанлиги ва майинлиги ортади.

Ювиш вақтида нафақат жун, балки жараёнда ҳосил бўладиган ювиш эритмалари ҳам тозаланиб, ундан жун ёғи ажратиб олинади. Бу иқтисодий самарадор бўлиш билан бирга, атроф-муҳит ва экологик жиҳатдан ҳам аҳамиятли.

Шундай қилиб, тажрибалар давомида дағал жун толасига кимёвий усул ёрдамида бирпала ишлов берилиб, тозалаш ва ювиш жараёнларидан сўнг майин жунга айлантиришга эришдик. Ушбу усулда олинадиган хомашё асосида тўқимачилик саноатида жун толали калава-иплар, трикотаж маҳсулотлари, костюмбоп матолар ва турли чидаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини яратилади.

Ҳозир жунни қайта ишлаш корхонамизда 6 та иш ўрни яратилган бўлиб, зарур технология қурилмаларни ясаи ва ўрнатиш ишлари олиб бораляпти. Яқин кунларда корхона ишга туширилади. Бу ерда дағал жунни тўлиқ қайта ишлаб, йилга 60 тонна майин жун тайёрлаш мумкинмоқда. Кейинги босқичларда эса майинлаштирилган жун толаси йиғирилиб, тайёрланган илгичка ип ва унинг асосида ҳар хил ассортиментдаги трикотаж ва костюмбоп матолар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу орқали яна 20 дан ортиқ иш ўрни яратилади.

Тажрибани ҳудудларда омаллаштириш ҳам яхши самара беради. Қирқиб олинган қўй жунини чиқинди сифатида ташлаб юбораётган аҳоли эндиликда, ундан даромад олиши мумкин. Асосийси, янги технология тўқимачилик саноатида қўшимча хомашё базасини яратяди. Бу эса янги турдаги тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажминини оширишга хизмат қилади.

НУҚТАИ НАЗАР



Абдуқаҳҳор ҒАНИЕВ,
Қарши давлат университети
Педагогика институти директори

Президентимиз шу йил 21-22 апрель кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Соҳибқирон бобомиз Амир Темуր ва Тўхтамишхон ўртасида бўлиб ўтган жанг тафсилотини эсга олиб, жумладан, шундай деди: “Буюк саркардамиз қандай ғалаба қозонгани менга жуда қизиқ эди. Тўхтамиш ҳам осонликча ютқазмаган экан. Бунда Амир Темур бобомизнинг юксак ҳарбий техника ва стратегияси, довурақлиги иш берган. Ўзимга ҳам ёзиб олдим: Амир Темур жангда еттига усулни қўллаган экан”.

Дарҳақиқат, 1395 йили Қундузчада бўлиб ўтган жангда Амир Темур бобомиз ўзининг ностандарт фикрлаш тарзини намоиш қилиб, ғолиб чиққан. У илгари қўллаб келган “марказ, ўнг ва сўл қанот” жанг усулидан воз кечиб, қўшинни етти қисмга бўлган. Гарчи рақиб Соҳибқиронга шогирд бўлиб, унинг жанг услубларини ўрганган бўлса-да, бобомиз ғайриоддий тактикани қўллаб, ғалаба қозонган.

НОСТАНДАРТ ТАФАККУР ТАРЗИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСГА ЭЛТУВЧИ ИШОНЧЛИ ЙЎЛ

Амир Темур жуда кўп жанглarda рақиблари хаёлига келмаган усуллари ишлатиб, зафар қучган. Бу эса унинг ноёб қобилияти, юксак даражада ностандарт фикрлаш қўнимчасига эгалигини кўрсатади. Айнан шу фазилат улкан салтанат ва темурийлар Ренессансининг вужудга келишини таъминлади.

Асар яратилишдан олдин муаллифнинг ностандарт фикрлаши махсули сифатида аввал тасаввур қилинади, сўнг полотнога кўчирилади. Бу фикрларни ўша пайтларда яратилган мусиқий асарлар, ҳашаматли саройлар, бадий ва илмий кашфиётлар ҳақида ҳам билдириш мумкин. Муҳаммад Хоразмийнинг алгебра соҳасидаги ишлари, Алишер Навоийнинг “Хамса”си, Камолиддин Беҳзоднинг миниатюралари муаллифларнинг юксак тасаввур ва ноёб фикрлаш қўнимчасига эга бўлгани исботидир.

Хуллас, барча тамаддунлар намояндalари ностандарт фикрловчилар бўлган. Демак, Учинчи Ренессансни рўёбга чиқарувчилар ҳам ностандарт фикрловчилар бўлиши лозим. Шу билан бирга, аввалги Ренессанслардаги фаннинг ривожланиш даражаси би-

Бугун таълимдаги янги ўқув методи сифатида Президент мактабларида қўлланаётган Кембриж ўқитиш тизимидан фойдаланиш тавсия этилмоқда. У асосан ўқувчиларнинг билимини амалиётда жорий қилиш, яъни мантиқий фикрлаш қўнимчасини шакллантиришга йўналтирилган. Бу жуда яхши, аммо фан-техника соҳасидаги улкан кашфиётлар, жумладан, Ренессанс давридаги ижод намуналари ностандарт тафаккур махсули бўлганини унутмаслик даркор. Шунинг учун ҳозир ҳам мантиқий, ҳам ностандарт фикрлаш қўнимчасини шакллантириш методларига қизиқиш ортган. Чунки бундай қўнимчаларга эга мутахассислар жуда қимматли ҳисобланади ва дунёдаги энг бой компаниялар уларга катта маблағ тикмоқда.

Мантиқий фикрлаш изчилик, кетма-кетлик асосида, сабаб ва оқибат категориялари билан янги тизимида кечади. У инсон сезгилари орқали ташқи олам ҳақида қабул қилинган маълумотларнинг ўзгалар учун ҳам тушунарли тарзда онда қайта ишланишини аниглайди.

Ностандарт фикрлаш танланган йўлдан тўғри ҳаракат қилмасдан турли ёндашув ва имкониятларни текширишди. У ижодга бевосита

“

Мутахассисларнинг фикрича, беш ёшдан бошлаб болалар бош миясининг яримшарлари ихтисослаша боради. Бу жараёнда тил ўрганиш қобилияти муҳим аҳамият касб этар экан. Демак, беш ёшдан бошлаб болаларда ностандарт фикрлаш элементларини шакллантира бошлаш мумкин. Альберт Эйнштейннинг ҳам фанга қизиқиши 5 ёшдан, отаси унга компасни кўрсатганидан бошланган. У скрипка чалишни ҳам яхши кўрган.

лан ҳозирги ҳолатини солиштирсак, Учинчи Ўғониш даври пойдеворини қўювчиларга талаб анча юқори бўлишига ишонч ҳосил қиламиз.

Президентимиз бундан икки йил муқаддам Ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз.

Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимиз эса янги Ўғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз”, деди. Демак, вазифа, максад аниқ, фан, инновация Ренессанснинг пойдевори бўлади. Бу билан нимага эришмоқчимиз? Албатта, фаровон ҳаётга. Бунинг учун мамлакатда ишлаб чиқариш унумдорлиги, киши бошига тўри келадиган махсулот ҳажми юқори бўлиши керак. Шунда фуқаролар бой, солиқ тушуми катта бўлади. Барча соҳага, жумладан, ижтимоий йўналишга ажратиладиган маблағ ҳам кўпаяди. Фан-техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида ишлайдиган корхоналар кўпайиши керак. Дастлабки даврда ҳеч бўлмаса, шундай корхоналарда ишлаш оладиган, кейинчалик эса шундай технологияларни яратадиган мутахассисларни тайёрлаш тизими яратилиши лозим. Бундай мутахассислар фаннинг энг сўнгги ютуқлари билан таниш, улкан маълумотлар оқимида энг мақбулларини ажрата оладиган, ҳам ижодий, ҳам мантиқий, ҳам ностандарт фикрлаш қўнимчаларига эга бўлиши талаб этилади. Улар мантиқий ва ностандарт фикрлаш қўнимчаларини шакллантириш ва ривожлантириш педагогик технологияси асосида узлуksиз таълим тизимида тайёрланади.

Демак, Учинчи Ренессансни рўёбга чиқарувчилар, яъни ностандарт фикрловчи мутахассислар таълим жараёнида тайёрланади. Давлатимиз раҳбари шу йил 28 январь кўни мактаб таълимини ривожлантириш масалалари юзасида ўтказилган видеосессияда йиғилишида “Ўқувчилар билимини баҳолаш ҳам дарсликлардаги вазифаларни бажариш, у ёки бу формулани ёд олиш даражаси билан чегараланмаслиги керак.

Ўқувчининг дунёқараши, мантиқий ва ижодий фикрлаши, берилган масала бўйича ўқув дастури билан чекланган қоидалардан ташқари, ностандарт ёчимлар беришини ҳам инобатга олиш зарур”, деганида, шубҳасиз, шуни назарда тутган эди.

алоқадор. Бундай фикрлаш қўнимчаси қўйилган муаммонинг ностандарт, янгича, ўзига хос ечиш усуллари эгаланганида намоён бўлади. Мантиқий фикрлаш кишини А пунктдан В пунктга олиб бора, ностандарт фикрлаш янги манзилга олиб боради.

Бош мия яримшарларининг мутахассисликларга алоқадорлик кашфиётига асосан аналитик ва мантиқий фикрлашга асосланган ижодий фикрлаш бош мия чап яримшарининг, тасаввур ва интуицияга боғлиқ ностандарт фикрлаш эса ўнг яримшар махсулидир. Бош мия ўнг яримшарини фаоллаштириш ностандарт фикрлаш унумдорлигини орттиради. Мия яримшарларининг биргаликдаги фаолиятига, яъни мантиқий ҳамда ностандарт фикрлаш уйғунлигига тўлақонли фикрлаш дейилади.

Бош мия яримшарларининг бир хил фаол ривожланиши энг идеал ҳолатдир. Бунга доир қатор мисоллар яхши далил бўлади. Масалан, мусиқий таълим олишда бош мианинг чап яримшари фаол бўлса, турли тасаввур остида мусиқий асарнинг яратилиши ўнг яримшарнинг махсулидир. Ёки бўлмаса, архитектор бионинг тарҳини чизганда унинг фазовий жойлашуви, эстетик кўринишини аниқлашда ўнг яримшар хизматидан фойдаланади. Лекин барча ҳисоб-китоблар чап яримшар ёрдамида бажарилади. Автомобилнинг янги модели кўриниши ишлаб чиқаришдан олдин конструктор миасининг ўнг яримшарида тасаввур қилинади. Сўнг эса чап яримшар ёрдамида техник кўрсаткичлари ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, беш ёшдан бошлаб болалар бош миясининг яримшарлари ихтисослаша боради. Бу жараёнда тил ўрганиш қобилияти муҳим аҳамият касб этар экан. Демак, беш ёшдан бошлаб болаларда ностандарт фикрлаш элементларини шакллантира бошлаш мумкин. Альберт Эйнштейннинг ҳам фанга қизиқиши 5 ёшдан, отаси унга компасни кўрсатганидан бошланган. У скрипка чалишни ҳам яхши кўрган.

Кейинги ўқув йилида ҳусусий мактаблар улушини эллик фоизга, ундан кейинги ўқув йили саксон фоизга етказиш лозим. Шу алфозда ўз қонунлари билан “ўрта таълим бозори” шаклланади. Бу эса педагогика институтларига ҳам молиявий мустақиллик бериш ва кейинчалик ҳусусий олий таълим муассасасига айлантириш имконини беради. Ўрта таълим мактабларига алоқадор барча муаммолар асосан барҳам топади. Албатта, дастлабки йилларда маълум қийинчиликлар вужудга келиши мумкин. Лекин беш йилга қолмасдан таълим сифатида жиҳдий ўзгаришлар рўй беради ва Учинчи Ренессансни амалга оширувчи авлодни тарбиялаш имкони пайдо бўлади.

Жамият

“SPIN-OFF” КОРХОНАЛАРИ



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ИЛМИЙ ҲАЖМДОР МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАЛАБАЛАР ҲАМ ИШТИРОК ЭТАДИ



Жамолиддин БОБОХОНОВ,
Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқарма бошлиғи

Ҳар қандай замонавий давлатнинг миллий иқтисодиёти асосини табиий ва меҳнат ресурслари билан бир қаторда, илмий-техник имкониятлари ҳам ташкил этади. Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг янги сифат кўрсаткичларига қўтарилиши инновацион фаолиятнинг аҳамиятини оширди, илмий ҳажмдор махсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ривожланди. Бу, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш учун замин яратишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Мамлакатимиз инновацион ривожланиш йўлига ўтиши билан иқтисодиётга янги тушунча, янгича амалиётлар кириб бормоқда. Масалан, бунга “трансфер” сузини келтириш мумкин. Хорижий мамлакатларда бу сўз турли маъноларда ишлатилади. У — тажриба алмашинуви, техник ютуқлар ва бошқарув тажрибаси трансфери, олимлар ва муҳандислардан техниканинг бошқа соҳаларида фойдаланишини аниглайди.

Трансфер механизмлари кўпроқ АҚШ ва Буюк Британияда ривожланган. Улар “spin-off” технологиялари, деб ҳам аталади. Мазкур атама бирор ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш мақсадида амалиётда самарадорлиги исботланган технологияларни жорий этишни аниглайди. Оддий тил билан айтганда, “spin-off” ташкилотнинг айрим бўлимларини мустақил ишбилармонлик субъектига айлантирган ҳолда бизнесни ривожлантириш демакдир.

Бу модель ривожланиш имкониятлари катта бўлган махсулот ёки хизматни яратиш ғоясини амалга ошириб, бозорга олиб чиқиш учун торроқ мутахассисликдаги ҳамда мослашувчан корхона керак бўлганида қўлланилади. Яъни бир ташкилот тузилмасида янги корхона ташкил этилади. Бундай ҳолатда “технологик туртки”, деб аталадиган феномен иш беради, яъни маълум технологик тамойил асосида янги махсулот ёки хизмат яратилади.

Илмий-тадқиқот муассасалари изланувчиларининг ғояларини махсулотга айлантириш учун ташкилот тузилмасида янги корхона ташкил этишнинг аҳамияти катта. Илмий ишланмани яратганлар ўзлари тадбиркорлик қилишга киришиб, корхона бошқарувини қўлга олади. Муассаса — таъсисчи, лойиҳани молиялаштирувчи венчур эса инвесторга айланади.

Олимлар, талабалар томонидан кўплаб қизиқариш ва фойдали лойиҳалар ишлаб чиқилади. Аммо ғояни махсулотга айлантириш маблағдан ташқари тадбиркорга хос қобилиятини ҳам талаб қилади. “Spin-off” корхоналарининг ташкил этилиши мана шу муаммони бартараф этади. Талаба ўқиш билан бирга, бир махсулот яратувчиси сифатида ўзи ва тенгдошларини иш билан таъминлайди. Янги лойиҳа ва махсулот яратадиган, аммо уни бизнес даражасигача олиб чиқиш имконига эга бўлмаганлар учун бу усул қулай.

Президентимиз 2020 йил 29 октябрда “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонни имзолаган эди. Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда, илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш мақсадини ифода этадиган мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш борасидаги ишлар илмий инфратузилма модернизация қилишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтармоқда.



Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2022—2024 йилларда қирққа яқин истиқболли йўналишларда илмий ҳажмдор ва инновацион махсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги инновацион (“spin-off”) корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бундай корхоналар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида ресурсларни мақбуллаштирган ҳолда, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада талаб юқори бўлган ҳамда истиқболли инновацияларни кенг жорий этиш имконини беради.

Ушбу корхоналар давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимлик органлари ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамкорлигида ташкил этилади. Ҳозирда қатор “spin-off” корхоналарининг фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, у ерда кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ихтисослашган бу турдаги корхоналарни ташкил этишнинг афзалликлари талайгина. Хусусан, илмий ташкилот ёки олий таълим муассасасининг мавжуд юқори илмий-инновацион салоҳиятидан фойдаланган ҳолда юқори технологияга асосланган пуллик хизматлар кўрсатиш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш инфратузилмаси шакллантирилиб, келгусида хизматларни кенгайтириш асосида олим ва мутахассисларга қўшимча янги иш ўринлари яратилади. Ўз ўрнида, ғоя муаллифларининг ишланмаларини тижоратлаштиришдан манфаатдорлиги ошади.

Стартап лойиҳаларни жорий этиш шуниси билан ҳам фойдалики, бунда даромад манбаини топиш учун бизнесни илмий муҳитга жалб қилиш қисқа вақтда ўзини оқлайди. Иқтисодиёт тармоқларида арзон ва сифатли инновацион махсулотлар ҳажмини ошириш натижасида инновацион экотизим тезроқ шаклланади. Илмий ташкилот ва олий таълим муассасаларининг муҳим илмий тадқиқот натижаларини иқтисодиётнинг реал секторига тез ва манзилли апробациядан ўтказиб, натижадорлиқни аниқ кўрсатиб бериш имкониятини берадиган “spin-off” корхоналари талабалар бандлигини таъминлаши билан ҳам аҳамиятли.

Менда ғоя бор, аммо уни амалга ошириб, инновацион махсулот яратишга қўрбим етмайди, молиялаштирганда ҳам тўлиқ йўлга қўя олармиканман, деган хавотирдаги олимлар учун бу ёндашув мос келади. Аввалдан фаолияти ривожланган корхона таркибида “spin-off” корхоналарининг ташкил қилиниши



улар учун кафолатланган тадбиркорлик фаолиятини бошлаш имконини беради. Изланувчи харидор топишдан чўчиб, махсулот яратишга иккиланиб ўтирмайди.


Жисмоний ва юридик шахсларнинг буюртмалари асосида уларга тегишли бўлган ҳудудларда янги лойиҳаланаётган бино, иншоотлар ва ландшафт муҳитининг макетини замонавий кўринишда тайёрлаш билан шугулланиб келаятган “FarPI Hitech engineer” корхонаси “spin-off” сифатида фаолиятини кенгайтирди. Фаргона политехника институти талабалари билан биргаликда қурилиш режалаштирилган, реконструкция қилинадиган ва мукамал таъмирланадиган 200 та объектнинг лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари, ҳайкалтарошлик ишлари ва ландшафт архитектурасини яратди. Лойиҳа орқали иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизими йўлга қўйилган бўлиб, илмий тадқиқотлар ва назарий билимларнинг ишлаб чиқариш корхонаси билан узвий алоқаларни таъминланган. Архитектура ва қурилиш меъёрлари асосида лойиҳалаш ишларини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширадиган мазкур корхонада талабалар томонидан буюртмачилар талабларидан келиб чиқиб, бино ва иншоотлар архитектураси шакллантирилади.

Олий таълим муассасалари ҳузурида ташкил этилаётган “spin-off” корхоналари илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш билан шугулланиб, академик тадбиркорлиқни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.



Фанлар академияси ҳамда “Bioton” МЧЖ “spin-off” корхоналари ҳамкорлигида доривор ўсимликлар хомашёларини чуқур қайта ишлаш асосида экстрактлар олиниб, биологик фаол моддалар субстанциялари ишлаб чиқарилмоқда.

Тошкент вилоятида фаолият юритаётган мазкур корхонада замонавий илмий ва технологик асбоб-ускуналардан иборат зарур инфратузилма ташкил этилган. Корхона буюртмалар асосида доривор ўсимликлар хомашёларини чуқур қайта



ишлаб, илмий ҳажмдор махсулотлар яратиш ва етказиб бериш бўйича тегишли стандартларга мос. Доривор ўсимликларни етиштирувчилар, илмий ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларидан доривор ўсимликлар хомашёсини қабул қилиб, 14 турдаги асосий доривор ўсимлигини қайта ишлаб, йилга 1 минг 500 килограмм субстанция ишлаб чиқаради. Махсулотлари Япония, Болтиқбўйи мамлакатлари ва Қозғистонга экспорт қилинади.

Ҳозир юртимизда қишлоқ ҳўжалигининг ишлаб чиқариш тармоғи жадаллашаётган бир пайтда чорва моллари ва паррандалар саломатлигини муҳофаза этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу тўғрйли хайвонлар ва паррандаларни юқумли касалликларга қарши режалаш махсус эмлаш ва ташхислаш экспорти ортапти.

Президентимизнинг 2020 йил 25 ноябрдаги “Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинганидан сўнг мамлакатимизда соҳага тааллуқли илмий-тадқиқот муассасаларининг роли сезиларли даражада ошди.

Ветеринария илмий-тадқиқот институти ташаббуси билан “Unigen” қўшма корхонаси томонидан ташхис тест-тўпламлари ҳамда экспресс диагностика воситаларини ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ва чорвачилик фермер ҳўжаликларига ташхислаш бўйича илмий-амалий хизматларни кўрсатиш йўлга қўйилди. Мазкур корхона лейкоз, бруцеллёз, оқсил, вирусли диарея, лептоспироз, листериоз, парранда гриппи, парранда ўлати, парранда бронхопневмонияси ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш учун экспресс-тест тизимларини ишлаб чиқаради.

Инновацион ривожланиш вазирлигининг мувофиқлаштирувчи роли тўғрйли иқтисодиётнинг турли тармоқларида илғор биотехнологиялар амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, Ветеринария илмий-тадқиқот институти фаолиятида ҳам давр талабига ҳамоханглик ўз ифодасини топомқда.

Миллий иқтисодиётни барқарорлаштириш шaroитида ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини ошириш, иқтисодиётнинг барқарор ва оқилона нисбатларда ривожланишини таъминлаш, бозор талаблари асосида ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш даражаси инновацион иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини ўзгартириш ҳамда уни такомиллаштиришга боғлиқ. Устувор йўналишлар ривожини таъминловчи илмий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишланмаларни амалга оширувчи экотизимни шакллантириб, илмий ҳажмдор махсулотлар ишлаб чиқаришни кўзда тутадиган “spin-off” корхоналари ташкил этилишини бу борадаги ишларнинг энг муҳими, дейиш мумкин.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

ТИМСОЛИДА ХАЛҚИМИЗ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ОЛТИН ФОНДИНИ, БЕБАҲО ХАЗИНАСИНИ КЎРАДИ

Бошланиши 1-бетда

Бу йил юртимиздаги 10 мингдан зиёд умумтаълим мактабини 390 минг нафардан ортиқ битирувчи тамомламоқда. Мамлакатимизнинг барча таълим масканларидаги “сўнгги кўнғироқ” тадбирлари давлатимиз раҳбарининг битирувчи ўғил-қизларга йўллаган табригини ўқувчиларга етказиш билан бошланди.

Президентимизнинг: “Ҳеч шубҳасиз, ўз билим ва истеъдодини Ватанимиз ва халқимизга муносиб фарзанд бўлишдек олижаноб мақсадларга сарфлашга чоғланиб турган сиздек тиришқоқ ва интилувчан фарзандларимиз — бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, янги Ўзбекистоннинг олтин фонди, бебаҳо хазинасидир”, деган сўзлари минглаб юракларда акс-садо бериб, қалбларни тўлқинлантирди. Ўғил-қизларни илм-фан чўққиларини, ихтимой ҳаётнинг муҳим жабҳаларини забт этишга ундовчи хитоб бўлиб янгради.

Мана, иккинчи йилдирки, давлатимиз раҳбари мустақил ҳаётга йўл олаётган ўғил-қизларни қўлаб, табрик йўлламоқда. Бу ҳам таълимга, юртимиз эртаси бўлган ёшлар келажагига тикилган минглаб нигоҳлар умид ва ишончга тўла эканидан дарак бераётир.

Ўғил-қизларга қаратилаётган эътиборни илғаш учун мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик ривожланиш йўлини белгилаб берган Тараққиёт стратегиясига назар ташлаш кифоя. Унинг адолатли ихтимой сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш йўналишида белгиланган вазифалар ижроси кўлами ва ҳажмига кўра аввалги йиллардан мутлақо фарқ қилади.

Сўнгги йилларда “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади” деган улғувор ғоя асосида таълимий ислох қилиш, мактаб инфратузилмасини такомиллаштириш, таълим сифатини оширишга катта эътибор қаратилди. Бу борада мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база яратилиб, соҳа ривожига янги уфқлар очилди. Асосий мақсад мамлакатимизда янги Уйғониш даври — Учинчи Ренессанснинг пойдеворини шакллантиришга қаратилмоқда. Бу вазифа таълим соҳасида кенг кўламли ислохотлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Кейинги йилларда Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилиб, уларга энг малакали мутахассислар жалб этилди. Мавжуд умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, барча ҳудудда замонавий ўқув масканлари барпо этиш учун тарихда кузатилмаган миқдорда маблағ ажратилмоқда. Биргина ўтган йили 789 та мактабда 3,3 триллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилгани фикримиз далилидир.

Жамиятда ўқитувчи макеи, касби нуфузини ошириш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш, яшаш ва турмуш шароитини яхшилашга катта эътибор қаратилаётир. Жумладан, чекка ҳудудларга бориб дарс бераётган ўқитувчилар маошига сезиларли даражада устамалар қўшилаётгани яшашга жойидан қатъи назар, фарзандларимизнинг шаҳарликдан кам бўлмаган даражада билим олишига имкон бермоқда.

Шунингдек, фан дарсликлари мазмун-моҳиятида ҳам қатор ўзгариш-



СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

ларга эришилгани эътиборга молик. Бу жараёнда хорижийинг илғор таърибасидан кенг фойдаланилди. Изчил саъй-ҳаракатлар туфайли умум-

таълим мактаблари учун 326 номда ўқув-методик мажмуалар, ўқитувчилар китоби ҳамда машқ дафтарлари яратилди.

Муҳаббат ШАРАПОВА, Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Барча мактабларда Президентимизнинг битирувчиларга йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. Бу давлатимиз раҳбарининг битирувчи ўғил-қизлар билан бирга биз, педагогларга ҳам юксак эътиборидан далолат. Зеро, ўқитувчи учун ўзи таълим берган ўқувчисининг камолини кўришдан ортиқроқ бахт йўқ. Мактаб деган масканнинг инсон қалбига, онгу шурида қолдирган изини асло ўчириб бўлмайди. Ўқув муассасасига илк қадам қўйган бола билан қўлига шаходатнома олган ўсмирнинг 11 йиллик таълим-тарбиясида босиб ўтилган йўлни кўз олдингизга келтирсангиз, ҳаммаси ойдинлашади.

Бизни фахрлантираётган бир воқеа борки, албатта, айтишимиз зарур. Бу ҳам бўлса, бугун қўлаб мактабларимизнинг битирувчилари муддатидан олдин юртимиз ва хорижийинг



қўлаб нуфузли олий ўқув юрти талабаси бўлмоқда. Назаримда, бу мамлакатимизда Учинчи Ренессансга

Бахтиёр САИДОВ, халқ таълими вазيري:

— Мана, 2021/2022 ўқув йили ҳам кўз очиб-юм-гунча ўз низоҳасига етди. “Сўнгги кўнғироқ” сада-лари барчамизни ортда қолаётган бир ўқув йилига боқиб, сарҳисоб қилишга ундайди.

Ўтган ўқув йили давомида ҳар бир ўғил-қиз бир ёшга улғайди. Билими бойиб, маънавияти ошди. Яратилган имкониятлардан фойдаланиб, қўлаб ютуқларга эришган ўғил-қизларимиз кўлигидан қувончимиз чексиз.

Фахр билан айтиш керак: бугун юртимизда ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Истеъдодли ўқувчиларимиз бунга жавобан халқаро олимпиадалар, турли танловларда Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Билим ва иқтидорини намоён этиб, кўнгилларга қувонч улашмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг табригидида қайд этилганидек, ҳозир юртимизда 10 мингдан зиёд давлат умумтаълим мактаби билан бирга қўлаб нодавлат, давлат-хусусий шериклик шаклидаги мактаблар, Президент, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари фаолият юритяпти. Бу саъй-ҳаракатлар ушбу тизимда қисқа муддатда чуқур таркибий ва сифат ўзгаришлари юз берганини кўрсатади.

Таълим тизимидаги янгиланишлар, ўқитиш сифати ва самарадорлигига қаратилаётган эътибор, ёшлар орасидан истеъдодлиларини саралаб олиш жараёни тўғри йўлга қўйилгани ўз самарасини бераётир. Жумладан, халқаро фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз кўлга киритган медаллар сони 3 баробар, минтақавий олимпиадаларда эса қарийб 2 баробар кўпайгани, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида 900 мингдан зиёд ўқувчи дастурлаш асосларини ўрганиб, сертификатга эга бўлгани фикримизни тасдиқлайди.

Илгари мактабини тугатган ёшларнинг муайян қисмигана олий таълим

пойдевор қўйилаётганининг илк нишоналаридир.

Кейинги йилларда ўқувчиларимиз турли халқаро беллашувларда юқори ўринларни эгаллаётганини кўриб гурурланяпмиз. Хусусан, математика олимпиадаларида совринли ўринларга муносиб қўрилганлар ичида ўқувчиларим борлиги қувонч. Шундай шогирдларимдан 16 нафари бугун мактабини аъло баҳо-лар билан тугатиб, муддатидан олдин юртимиз ва дунёнинг нуфузли олий ўқув юртиларига талабалikka қабул қилинди. 9 шогирдим эса чет тилларни билиш даражаси бўйича халқаро сертификатни кўлга киритди. Мен бу ёшларни, таъбир жоиз бўлса, юртимиздаги Янги Уйғониш даври пойдевори бунёдкорлари, деган бўлардим.

Мамлакатимизда ёшлар учун беқиёс имконият ва имтиёзлар мавжуд. Ишонаманки, улардан самарали фойдаланган фарзандларимиз Янги Ўзбекистон шарафини юксакларга кўтаради.

муассасаларига ўқишга кирган бўлса, кейинги йилларда талабалар сафига қўшилаётганлар сони тобора ошмоқда. Буни бир сўз билан олий таълим муассасаларига қамров даражаси кенгаётгани билан изоҳлаш мумкин. Масалан,



2016 йилда олий таълимга қамров 9 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 25, 2021 йилда 28 фоизга етди. Бу йил 38 фоизга етказилади.

Шу кунги мамлакатимиздаги барча мактаблар қатори Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Абу Али ибн Сино номдаги ихтисослаштирилган мактабда ҳам “сўнгги кўнғироқ” тадбири

Азимжон Жамолов. — Яқинда Халқаро Менделеев олимпиадасида эришган натижаларимиз ҳам мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилган эътиборнинг самараси, деб биламан. Мен шу олимпиадада якунларига кўра, Москвадаги нуфузли олий ўқув юртининг кимё факультетида имтиёзли тарзда қабул қилиндим. Шу билан бирга, “Янги Ўзбекистон” университетида таълим олиш ҳуқуқига эга бўлдим. Ҳозирга қайси университетни танлаш борасида бир қарорга келганим йўқ. Қарорим қандай бўлишидан қатъи назар, юртимиз раҳбарига муносиб ҳисса қўиш, шу йўлда тинмай ўқиш, изла-ниш олий мақсадим бўлиб қолади.

Шу таълим муассасаси ўқувчиси, 56-Халқаро Менделеев олимпиадаси кумуш медал соҳибдори Мафтуна Бадалова ҳам бугун битирувчилар сафиди. “Президентимизнинг биз, битирувчи ёшларга йўллаган табригини катта ҳаяжон билан тингладим. Бизга билдирилган умид ва ишонч, келажакимиз ҳақида айтилган илқ гапларни эшитиб, жуда қувондим. Бу ютуқлар билан чекланмай, жорий йил 10-18 июль кунлари ўтказилиши режалаштирилаётган 54-Халқаро кимё олимпиадасида ҳам юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қиламиз”, — дейди у.

Тадбир доирасида йил давомида намунали ҳуқ ва аъло баҳо-ларга ўқиб, энг юқори кўрсаткичларга эришган иқтидорли битирувчилар рағбатлантирилди. 2021-2022 ўқув йилида фан олимпиадалари, кўрик-танлов ва спорт мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган ҳамда ижодкор ўқувчилар фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Раҳматилла КАРИМОВ, Учтепа туманидаги 81-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси:

— Президентимизнинг мактаб битирувчиларига табригини ўқувчилар билан бирга тингладик. Давлатимиз раҳбарининг сўзлари барчага ўзгача руҳ бағишлади.

Президентимиз ташаббуси билан мактаб таълимини қўлаб-қувватлаш умуммиллий ҳаракатга айлантирилгани юртдошларимизнинг мактабга, ўқитувчиларга муносабатини тубдан ўзгартирди. Илгари одамлар мактабга фақат давлат пул ажратиши керак, деган тушунча билан яшаган бўлса, энди нега мана шундай савобли жараёндан мен четда қолишим керак, деган ҳис пайдо бўлаётганини кўряпмиз. Халқимизда таълимга дахлдорлик, болаларни сифатли ўқитишга ҳисса қўиш иштиёқи уйғоняпти. Масалан, икки йил аввал мактабимизнинг собиқ битирувчиси, тадбиркор Исроил Юнусов мактабимизни капитал таъмирлаб берди. Барча жиҳозлар янгиланди. Мана — ислохотларнинг одамларга таъсири. “Сўнгги кўнғироқ” тадбирида шу ҳақда болаларга сўзлаб бердим. Уларнинг ҳам эртага юрт қорига ярайдиган асл фарзанд бўлиб етишишига тилак билдирдим.



ўзгача шуқуҳда ўтди. Бир юз элликдан ортиқ ўқувчи таҳсил олаётган таълим муассасасининг 60 ўқувчиси бу йил 11-синфни тамомлаб, катта ҳаётга қадам қўйилмоқда. Уларнинг 20 нафари аллақачон нуфузли хорижий олий таълим муассасалари грантининг ютиб, талабалikka бир қадам қолган. Яна 6 нафари эса халқаро олимпиадаларда голибликни кўлга киритган ва имтиёзли тарзда талабалар сафига қўшилмиш арафасида турибди.

Яқинда юртимизда кимё бўйича бўлиб ўтган Халқаро Менделеев олимпиадасида ушбу мактабдан етти ўқувчи иштирок этиб, 6 нафари турли медаллар соҳиб бўлди.

— Президентимиз табриги бизни жуда руҳлантирди. Келгусида бундан ҳам катта марраларга эришишга ҳаракат қиламиз, — дейди Абу Али ибн Сино номдаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси, олтин медал соҳиб

ўтган паллардаги энг муҳим воқеаларни гоҳ қўлиб, гоҳ кўзда ёш билан сўзлаб берди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййиднинг мактаб кутубхонасига туҳфа этган китоблар ҳамланмаси ва кутловини ўқувчилар катта қувонч билан қабул қилди.

Ҳа, битирувчи ёшларимиз қалбиди катта орзу-умидлар билан ўзларига ишонган ҳолда мустақил ҳаётга қадам қўймоқда. Халқимиз эса давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, улар тимсолида мамлакатимизнинг олтин фондини, бебаҳо хазинасини кўраётир. Бу хазина ҳали Ўзбекистон номини дунёга янада кенг таратиши, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторига тезроқ киришига хизмат қилиши шубҳасиз.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ДИЛ ИЗҲОРИ

БУГУНГИ БИТИРУВЧИЛАР

УЛКАН ИМКОНияТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ТАЯНЧИ БЎЛАДИ

Насиба РЎЗИЕВА, Учқудуқ туманидаги 20-мактаб директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Куни кеча юртимизнинг барча умумтаълим муассасаларида “Сўнгги кўнғироқ” чалинди. Президентимизнинг мактаблар битирувчиларига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди. Қўлига етуклик шаходатномасини олган ўғил-қизлар орасида олис чўл ҳудудида жойлашган мактабимизнинг 49 нафар битирувчиси ҳам бор.

Қадрдон мактаби, меҳрибон устозлари билан қайлашиб, мустақил ҳаётга қадам қўётган фарзандларимиз кўзига боқиб, ҳар биримиз ўзгача ҳис туяимиз. Бир он бўлса-да, ёшликнинг кунончили ва гоёта ҳаяжонли дамларини кўнглимиздан ўтказамиз. Чунки бу паппа барча битирувчилар қатори биз, ўқитувчи-мураббийлар, ота-оналар учун ҳам унутилмасдир.

Ўтган ўқув йили мактабимизни 78 нафар ўқувчи тамомлаб, 50 нафари олий таълим муассасаларига — 23 нафари давлат гранти, 27 нафари тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган эди. Бу битирувчиларнинг олийгоҳларга қабул қилиниш кўрсаткичи 64 фоиз, демакдир. Айни пайтда қолган 28 битирувчимизнинг 18 нафа-



ри техникумларда таҳсил олмақда. 10 нафари турли соҳаларда ишлаяпти. Мактабимизда билим бериш билан бирга, касб-ҳунар ўргатиш учун ҳам етарли шароит мавжуд. 2021/2022 ўқув йилида битирувчиларимиздан 23 қиз сартарошлик, уй ҳамшираллиги, 26 йигит компьютер саводхонлиги, ҳайдовчилик курслари бўйича ўқиб, сертификатга эга бўлди. Битирувчилардан тўрт нафари IELTS сертификатини кўлга киритди. Шунингдек, бир ўқувчимиз хорижий олий таълим муассасасининг юртимиздаги филиалига муддатидан илгари ўқишга қабул қилинган бўлса, яна бири АҚШнинг 18 та нуфузли олийгоҳида ўқиш учун 140 минг долларлик грант соҳиб бўлди.

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1676 86602 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳо-си келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқолов
Мусаххас: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза якуни — 22:00 Топширилди — 23:35

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси**

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz